

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 755-ҳадис

755 - عَنْ وَحْشِيِّ بْنِ حَرْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ أَصْحَابَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّا نَأْكُلُ وَلَا نَشْبَعُ! قَالَ: «فَلَعَلَّكُمْ تُفْتَرِقُونَ؟» قَالُوا: نَعَمْ. قَالَ: «فَاجْتَمِعُوا عَلَى طَعَامِكُمْ، وَادْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ يُبَارِكُ لَكُمْ فِيهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ [3764].

755. Ваҳший ибн Ҳарб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз таом еяпмиз, лекин тўймай қоляпмиз», дейишди. **«Алоҳида-алоҳида еяётган бўлсангиз керак-да?»** деган эдилар, «Ҳа», дейишди. **«Таомингизни жамланиб, бисмиллаҳ айтиб енглар, шунда унга барака берилади»,** дедилар».

Абу Довуд ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда кўпчилик якка-якка таом тановул қилганидан кўра, жамоат бўлиб, Аллоҳнинг номини зикр қилиб, таом емоқликлари афзал эканлигига иршод қилинмоқда. Жамоатда хайр-барака борлиги доимо таъкидланиб келган. «Айрилгани бўри ер» қабилидаги гаплар ҳар бир ҳалқда ҳам бор. Ислом дини доимо жамоатга чақириб, жамоатдан ажрашни қоралаган. Ушбу ҳадиси шарифда ҳам таом еб тўймаганларидан шикоят қилган кишилар жамоасига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тўпланиб таом емоқни маслаҳат бермоқдалар:

«Таомингизга тўпланинглар ва Аллоҳнинг исмини зикр қилинглар. Шунда сизларга унда барака берилур», демоқдалар.

Албатта, кўпчилик тўпланганида барака бўлади, кўпчилик бирга Аллоҳнинг номини зикр қилганида яна барака кўпаяди.

Аммо, баъзи кишилар ушбу иршодни тўғри тушунмай, жамоат бўлиб таом емоқ шариатнинг амри, ким жамоат бўлмай таом еса, шариат амрига қарши чиққан бўлади, қабилидаги гапларни ҳам айтганлар. Бу гап чуқур ўйланмай айтилган гаплар қаторига қўшилади.

Мұхаққиқ уламо ахли бу масалада, албатта, күпчилик бор жойда, имкони бўлса жамоат бўлиб таом тановул қилган яхши, лекин бу ёлғиз равища овқатланиб бўлмайди, дегани эмас, дейдилар. Ҳамда Аллоҳ таолонинг «Нур» сурасидаги:

«Сизларга жамланган ёки тарқоқ ҳолда емоқликда ҳам гуноҳ—танглик йўқдир», деган ояти каримани далил қилиб келтирадилар.

Ояти каримада нима учун бундок дейилганини ҳам билиб қўйсак, ўзимизга фойда бўлади. Хўш, нима учун оятда жамланган ёки тарқоқ ҳолда таом емоқликда гуноҳ йўқлигига урғу берилмоқда?

Чунки қадимги араблар тўпланиб таом ейишни ёмон кўрап эдилар. Кинона қабиласи эса, таомни ёлғиз емоқни гуноҳ ҳисоблар эди. Шунингдек, ансорийларда ҳам меҳмони бор одам меҳмонсиз таом емас эди. Ушбу оятда Аллоҳ таоло ҳар ким ўз хоҳишича еявериши мумкинлигини баён қилди. Яъни, якка ёки жам бўлиб еганда гуноҳ йўқлигини билдириди.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида жам бўлиб таом емоқлик фазилат экани айтилган.

Имом ибн Можа Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жам бўлиб енглар, тарқоқ бўлманглар, жамоатда баракот бордир», деганлар.

Демак тўпланиб, жамланиб ва бисмиллаҳни айтиб ейиш, барака ҳосил бўлишига ҳамда қорин тўйишига сабаб бўлар экан.

Имом Абу Довуднинг қўшимчасида зиёфат одобларидан яна бир одобга иршод қилинган:

«Бир маросимда бўлсанг, таом қўйилса, уй эгаси изн бермагунча ема».

Бу ҳам зиёфатнинг одобларидан ҳисобланади. Исломий тарбиядан хабардор доираларда бу одобга жуда эҳтимом ила риоя қилинади.

Манба: hadis.islom.uz



